

**Балтабаев Улуғбек Нарбаевичнинг
диссертация ҳимоясиз ихтиро патенти асосида
фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини бериш
бўйича эълон матни**

I. Умумий маълумотлар.

Диссертация мавзуси, ихтисослик шифри (илмий даража бериладиган фан тармоғи): «Омихта ем ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш», 02.00.17 - Қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов бериш, сақлаш ҳамда қайта ишлаш технологиялари ва биотехнологиялари (техника фанлари).

Диссертация мавзуси руйхатга олинган рақам: В2017.1.PhD/T5

Илмий-тадқиқот иши бажарилган муассаса номи: Тошкент кимё-технология институти.

Илмий раҳбар: Турсунходжаев Пулат Мухамедович, техника фанлари доктори, профессор.

ИК фаолият кўрсатаётган муассаса номи, ИК рақами: Тошкент кимё-технология институти, DSc.27.06.2017.Т.04.01.

II. Тадқиқотнинг мақсади: озиқ-овқат саноати чиқиндилари асосида йирик шохли қорамоллар учун омихта ем таркибини яратиш ва олиш технологиясини такомиллаштиришдан иборатдир.

III. Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

озиқ-овқат саноати чиқиндилари физик-кимёвий хоссалари ва биологик фаоллиги асосида йирик шохли қорамоллар учун омихта емнинг оптимал таркиби ишлаб чиқилган;

йирик шохли қорамоллар учун озуқавий ва микроминерал қимматлилик нормасини сақлаган ҳолда, омихта ем сарф-харажатларининг пасайтирилиши асосланган;

арпа дони ресурслари тежалган, омихта емнинг микробиологик сифати оширилган ва иккиламчи ресурслардан фойдаланиш ҳисобига экологик ҳолатни яхшиланишининг ва чорвачилик маҳсулотларининг миқдори, сифати, хавфсизлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

йирик шохли қорамоллар учун таркибида 75 озуқа бирлиги, 14-14,5% ҳом протеин, 10,0-13,5% ҳом клетчатка, 4,0-4,7% ҳом ёғ, 3,8-4,1% пектин моддаси бўлган ем тайёрлаш имконини берувчи технологик жараён такомиллаштирилган;

IV. Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши йирик шохли қорамоллар учун омихта ем ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Донни қабул қилиш, ун ёрма корхоналари ва уруғ тозалаш цехларида олинадиган оралик маҳсулотларни майдалаб, уларга ембоп дон ва минерал компонентлар ва озиқ-овқат саноати чиқиндилари асосида йирик шохли қорамоллар учун таркибида оқсил витаминлар миқдори ва тўйимлилиги меъёрда бўлган омихта ем олиш технологиясига техник шарт олинган (Тsh-8-95:2012. «Ўздонмахсулот» АК). Мазкур техник шарт маҳсулотни сифати ва технологик жараённи назорат қилишга имкон беради;

озиқ-овқат саноати чиқиндилари асосида йирик шохли қорамоллар учун омихта ем таркиби ва олиш технологияси ишлаб чиқаришга тадбиқ этилган («Ўздонмахсулот» Акциядорлик компаниясининг 2017 йил 15 июлдаги 6-1-2/306-1274 сонли хати). Натижада корхоналарнинг технологик линиясини ихчамлаштириш ва ҳар бир тонна маҳсулотни таннархини 12% арзонлаштириш имконини берган.

V. Ихтирога патенти: «Йирик шохли қорамоллар учун ем», № IAP 04994 - 2015 й. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг 2017 йил 7 июль 02-11/1744-сон хулосаси.

Илмий кенгаш раиси, проф.
Илмий кенгаш илмий
котиби, проф.
Илмий раҳбар, проф.
Талабгор

С.М.Туробжонов
А.С.Ибодуллаев
П.М. Турсунходжаев
У.Н. Балтабаев